Ушбу сонда:
2 НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ қонунга хилоф равишда тарқатилаётган жойда
3 САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР
4 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 17 август, сешанба № 131 (1764)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




## ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиздаги хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини аёллар манфаатларининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш борасидаги даъвати юртимизда хотин-қизларга бўлган ҳурмат ва катта ишончнинг яна бир ифодасидир.***

Жойларда Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этишга киришилди. Туман, шаҳар ва вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари ҳисобот-сайлов конференцияларида ўз фаолиятини танқидий таҳлил этар экан, ана шу дастуриламал ҳужжатлар тимсолида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, оиладаги, жамиятдаги ҳамда давлат қурилиши соҳасидаги вазифаларни бажаришдаги ролини янада ошириш масалаларини кенг муҳокама қилди.

14 август куни пойтахтимизда Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан сайланган делегатлар - Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Олий Мажлис депутатлари, олималар, муаллималар, шифокорлар, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа кўплаб соҳаларда жонбозлик кўрсатаётган фаол аёллар вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бугунги кунда юртимиз аёллари оилада тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини сабр-тоқат, оқилалик билан ҳал этиш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол қатнашаётирлар.

Хотин-қизлар турли соҳаларда эркаклар қатори меҳнат ва ижод, бунёдкорлик юмушлари билан машғул. Айниқса, таълим, маданият, санъат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тизимларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар орасида аёлларимизнинг улуши салмоқлидир. Улар қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва алоқа, савдо, молия, кредит, суғурта каби бошқа кўплаб соҳаларда ҳам самарали меҳнат қилмоқда.



Республика Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти аёлларимизнинг жамиятда тутган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавқеини оширишга, уларнинг маънавий-маърифий ўсишини таъминлаш истиқболларига қаратилди. Бу ишларни амалга оширишда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги, оиладаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича қабул қилинган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат дастурлари катта аҳамият касб этди ҳамда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Шу билан бирга, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган анжуманда қайд этилганидек, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятида қатор камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Улар асосан кўрсатма бериш усулида фаолият юритгани оқибатида қўмиталар фаоллари билан оддий хотин-қизлар, узоқ қишлоқлардаги меҳнаткаш аёллар, қизлар ўртасида узилиш, бўшлиқ юзага келди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий муаммолари ва манфаатлари кўпинча тегишли қўмиталарнинг эътиборидан четда қолган.



Хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги фаол аёлларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмади.

Конференцияда кўтарилган бундай муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш ва ҳал этиш, Президент Фармони ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича Республика Хотин-қизлар қўмитасининг Ҳаракат дастурлари билдирилган амалий таклифлар билан тўлдирилган ҳолда қабул қилинди. Ушбу Ҳаракат дастурлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш соҳаларига йўналтирилган.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизлар соғлиғини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлардан беҳад мамнун эканликларини таъкидладилар ва Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар. Бу соҳадаги бетимсол ишлар, янгиланишлар нафақат давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келаётгани, айни чоғда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани қайд қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов мамлакатимизда аёлга эътибор азалий қадриятларимиз ва умуминсоний андозалар билан узвий боғлиқ экани, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва мавқеи изчил юксалгани хусусида сўзлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янги Устави лойиҳаси муҳокама этилди ва қабул қилинди.

Конференцияда республика Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Светлана Иномова Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

*Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирйўли қурилишида*

## ТОҒ ДОВОНЛАРИ ОША

***Мамлакат транспорт коммуникацияларини жадаллаштириш, республика жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришда «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темирйўли қурилишининг аҳамияти беқиёс.***

Вазирлар Маҳкамасининг янги темирйўл қурилишини жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилганига бир йилу саккиз ой бўлди. Бош буюртмачи «Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик компанияси, лойиҳачилар «Боштранслойиҳа» масъулияти чекланган ва «Тоштемирйўллойиҳа» очиқ акциядорлик жамиятлари, бош пудратчи «Ўзавтойўл» давлат концерни ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қисқа муддатда кенг кўламдаги қурилиш-ускуналаш ишлари амалга оширилди.

Лойиҳа бўйича умумий масофаси 219,9 километрни ташкил этадиган янги темирйўл қурилиши уч босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи навбати Тошгузар — Деҳқонобод станциялари оралиғидаги 56,8 километрли ҳудудни ўз ичига олади. Айни пайтда йўлнинг дастлабки навбати ишга туширилди.

Темирйўл ўтадиган тоғли ҳудудларда катта ҳажмда текислаш ва тупроқ ишлари олиб борилаяпти. Тажрибали йўл қурувчилар Зойир Бўронов ва Сувон Қудратовларни иш устида учратдик. Ўз касбининг ҳақиқий усталари ҳисобланган бу икки мутахассис ҳар бир топшириқни юқори сифатли қилиб бажаришга одатланишган. Мақсуд Шомуродов бошлиқ темирйўл созловчилар бригадаси пўлат изларни ётқизиш жараёнини маҳорат билан адо этишаяпти.

Янги иншоот қурилиши муносабати билан воҳадаги темирйўл бекатлари сони иккитага кўпаяди. Йўловчилар Қарши-Ғузор йўналишида жойлашган Тошгузар бекатидан поездга ўтириб, Деҳқонобод, қўшни Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Қумқўрғон туманларига бориш имкониятига эга бўладилар.

Деҳқонобод бекати туман аҳолисини темирйўл билан боғловчи асосий манзил ҳисобланади. Ҳолбуки, шу пайтгача тоғликлар юз километрлик масофани босиб ўтиб, поездга чиқиш учун Ғузор ёки Қарши шаҳарларига келишар эди. Янги йўлнинг ишга туширилиши одамларнинг манзилини яқин, мушкулини осон қилади.

Қаршидаги «Ободончилик» хусусий корхонаси жамоаси кўкаламзорлаштириш юмушларини олиб бораяпти. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирйўли қурилишида 4 миллиард 66,3 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилган бўлса, шунинг 2 миллиард 454 миллион 570 минг сўми Қашқадарё вилояти ҳудудига тўғри келади. Иншоотнинг Тошгузар-Деҳқонобод участкасида 52 километр масофага тупроқ ишлари бажарилиб, 45 километр темир йўл ётқизилди. Бу йил Тошгузар ва Деҳқонобод темирйўл бекатларида 100 миллион сўмлик қурилиш ускуналаш юмушлари бажарилди. 12 та кўприк қурилиши мўлжалланган бўлиб, улардан 6 таси битказилди. Йил охирига қадар кўприклар қурилишида 2 миллиард 470 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилади.

Пасту баланд тепаликлар, қиру адирлар ва тоғ довонлари бағрида кечаю кундуз ҳаёт қайнайди. Юздан ортиқ оғир техника ва механизмлар, қудратли машиналар тиним билмайди, 200 дан зиёд ишчи-хизматчи фидойи меҳнат қилаяпти. Янги йўлнинг тоғли Деҳқонобод аҳолиси учун аҳамияти шундаки, ҳудуддаги туз конининг иш ҳажми кенгайиб, германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда калий заводи қурилади ва юзлаб янги иш ўринлари очилади.

Қурилишнинг 59,2 километрли Бойсун-Қумқўрғон участкасида ҳам ҳаёт қайнайди. Тенгимуш-Қумқўрғон участкасидаги 22 километрли йўлни реконструкциялаш қизғин. Шу кунгача 20 километр йўлга пўлат излар ётқизилди.

Тоғ довонларида қудратли механизмлар тўла қувват билан ҳаракат қилмоқда. Янги йўлни бунёд этишда «Марказийосиётрансқурилиш» очиқ акциядорлик, «2-МКК» масъулияти чекланган жамиятлари, «Қаршитаъмирқурилиштаъминот» корхонаси, «Кўприкқурилиш» тресті, «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компаниясининг махсус қурилиш поезди, «Ўзбекавтойўл» шуъба корхонаси жамоалари ғайрат-шижоат кўрсатишаяпти.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

### КРЕДИТЛАРНИНГ ЯРМИ УЗИЛДИ

«Бухоро тадбиркори» кредит уюшмаси ўтган бир йил мобайнида 200 миллион сўм миқдоридаги уч юздан зиёд кредитлар берди.

Кредит уюшмаси раиси Нишон Ҳайитовнинг таъкидлашича, кредит олувчиларларнинг етмиш фоиздан зиёди олинган қарзлардан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фермер хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишди.

Айни пайтда «Бухоро тадбиркори» кредит уюшмаси аъзоларининг сони 670 дан ошди.

*Касаба уюшма фидойилари*

## ОРЗУЛИ ДУНЁ

Қашқадарёда Ғозиевлар оиласини алоҳида иззат-ҳурмат билан эъзозлашади. Ана шу сулоланинг вакили бўлган Ходи аканинг эл кайвониси сифатида ўзига яраша ҳурмат-эътибори бор.



Онгли ҳаётини бус-бутунича қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган бу фидойи инсон 30 йилдирки агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Касби туман қўмитасининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ишчанлиги, ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги туфайли тармоқ қўмитаси таркиби ўсди ва мустаҳкамланди.

Бугунги кунда тармоқ қўмитаси ўз сафларига 32 та бошланғич ташкилот ва 22 минг нафар аъзоларни бирлаштириб турибди. Кейинги беш йил ичида касаба уюшмалари сони 6 мингтага кўпайди. Ходи Ғозиев ҳамиша одамлар орасида. Касабақўм раисини миришкор деҳқонлару ишчи ва механизаторлар, нуроний отахону онахонлар даврасида учратасиз. Туман ғаллакорлари бунёд этган 57 минг ғалла хирмонида касабақўм раиси ва жойлардаги вакилларнинг муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда касбиликлар 63000 тонна пахта етиштириш учун ғўза парваришини авжга олдираяпти. Меҳнат аҳли учун барча шароит яратиб берилган.

Дала шийпонлари ҳақиқий ҳордиқ масканига айлантирилган. Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари туфайли аҳолининг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда меҳнаткашларга 25 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Хўжаликларда меҳнат муҳофазасига 15 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Мингдан ортиқ кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 10 минг сўм ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Касаба уюшмаларининг фаоллиги ошди. Алишер Навоий, Саидо Насафий, Шароф Рашидов номли хўжаликлар бошқаруви касаба уюшмалари ташаббуси билан ишчиларга миллион сўмлаб дивидент ва мукофот пуллари тарқатилди. Ёшларнинг устози ва маслаҳатгўйи ҳисобланган Ходи Ғозиев ўнлаб шогирдларни тарбиялаб, вояга етказди. Бугунги кунда улар вилоят ва туман қўмиталарида меҳнат қилишмоқда.

Тармоқ қўмитаси раиси Ходи Ғозиев қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш учун ҳақиқий фидойилик намуналарини кўрсатмоқда.

***«Карвон бозори» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти негизидаги «Сарбон автоулов» масъулияти чекланган жамиятида 66 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Тўхташ жойидан бир кунда турли русумдаги юзлаб автомобиллар ҳеч қандай муаммоларсиз йўлга чиқади. Бу ерда меҳнат қилаётган ходимлар автомобил эгаларининг ишончларини оқлашиб, улар билан ширин муомалада бўлишади.***

### МЕҲР КЎЗДА

— Ишчиларимиз орасида кўп болали, ёрдамга муҳтожлар бор, – дейди жамият раҳбари Ҳамид Агзамов. — Улар нафақадан ташқари яхшигина маош олишади. Ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, оилавий шароитларини ҳисобга олиб ҳар байрам ва тадбирларда рағбатлантириб борилаяпти. Уларнинг барчасига махсус кийим-бош ҳамда керакли асбоб анжомлар берилган. Бундан ташқари, автотураргоҳда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилмоқда.

**Ҳ.ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбири**

### КУРАШ ҚИЗҒИН КЕЧМОҚДА

Ўзбекистонлик олимпиячилар спортнинг стол тенниси, бокс, велоспорт, спорт гимнастикаси, сузиш, дзюдо, ўқ отиш, академик эшкак эшиш турлари бўйича мусобақаларни дадил бошлади.

Айниқса, боксчиларимиз яхши натижалар кўрсатяпти. Барча чарм қўлқоп усталаримиз жангларда ғалабага эришмоқда. Жумладан, Шерзод Абдураҳмонов туркиялик Сердар Устунерни, Ўткир Ҳайдаров эса нигериялик Исаак Некрони катта устунлик билан мағлубиятга учратди.

Яна бир боксчимиз Шерзод Ҳусанов ҳам жамоадошларининг зафарли одимларини давом эттириб, венесуэлалик Прада Жон Кариосни 33-20 ҳисобида мағлуб этди.

- Президентимиз Ислом Каримов ўзбекистонлик Олимпиада иштирокчиларига йўллаган табригида барча спортчиларимиздан умиди катта эканини алоҳида таъкидлаган эдилар, - деди жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони, ҳарбийлар Олимпиадаси ғолиби Шерзод Ҳусанов ЎзА мухбирига. - Аввалги икки олимпиададан ҳам боксчиларимиз Ватанимизга медаллар билан қайтишган. Биз ҳам ҳар гал рингга ана шундай катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда чиқяпмиз. Насиб қилса, Юртбошимизнинг, барча спорт ишқибозларининг ишончини оқлаймиз.

- Ўзбекистонлик боксчилар доимо пухта тайёргарликка эга, кучли жамоа ҳисобланган - дейди тунислик Башир Маннубий. - Мен учун бу 12-Олимпиада ўйинларидир. Илгари бокс бўйича Тунис терма жамоаси шарафини ҳимоя қилганман. Ҳозир телеоператор сифатида боксчиларнинг чиқишларини кузатиб бораяпман. Боксчиларингиз мени ҳайратга солмоқда.

Шунингдек, академик эшкак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида Руслан Наурзалиев ҳамда Сергей Богданов биринчи босқичдан муваффақиятли ўтди.

**(ЎзА)**

*Мустақиллик иншоотлари*

## ҚИРҒОҚ БЎЙИДАГИ БУНЁДКОРЛИК

Гулистон шаҳри истиқлол шарофати туфайли яшарди. Сўлим хиёбонлар, равон йўллар қуриш, шаҳар орасталигини ошириш мустақиллик йилларида бир зум ҳам сусайгани йўқ.

Дўстлик канали қирғоқлари бўйлаб қатор маҳаллалар сафга тизилган. Неча йилдирки, бу ердаги тор йўллар турли ноқулайликлар туғдириб келарди. Шу боис ўтган йили темирйўл вокзалидан соҳил бўйларигача текис ва равон йўл барпо этилиб, аҳолига қулайлик яратилди. Амалдаги йилда эса бунёдкорлик ишлари янада авж олдирилди.

Соҳил бўйлаб улкан кўча бунёд этиш «Сирдарёавтойўл» бирлашмаси чекига тушди. Йўлсозлар қисқа фурсатларда 3 минг тонналик тупроқ, 3,5 минг тонналик шағал ва шиббалаш ишларини бажаришди. Бежирим бетон арикчалар ўрнатилиб, сизот сувлари оқизиб юборилди. Зарбдор қурилишда юзга яқин йўлсозлар меҳнат қилишяпти.

— Қирғоқ бўйидаги бунёдкорлик ишларини мустақиллик байрамигача поёнига етказишни мўлжаллаяпмиз, – дейди муҳандис Раим Абдураҳмонов. – Айни чоғда икки ярим чақиримлик масофада ишлар жадал суръатларда олиб бориляпти.

Йўл атрофини ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу чоққача кўплаб калифорния тераги ўтқазилди. Катта ҳажмдаги кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Янги йўлда шаҳардаги автотранспорт воситалари қатновига қулайлик бор. Гулистон давлат университети ва педагогика коллежи талабалари ўқув масканига бир неча чақиримлик айланма йўллар орқали келишарди. Эндиликда бу масофа тенг ярмига қисқарди. Иккинчи бир жиҳат. Шаҳардаги барча марказий йўналишлар янги барпо этилган соҳил бўйидаги равон йўлга туташади. Бу эса боғ ва марказий ўйингоҳга шаҳарнинг тўрт тарафидан ўта қисқа фурсатда етиб келиш имконини беради. Йўлларнинг бу уйғунлиги сирдарёлик йўлсозларнинг истиқлол байрамига муносиб армуғони бўлиши шубҳасиз.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

## ФИРМА ДЎКОНЛАРИ ОРҚАЛИ

***Асакадаги «Федерричи-Асака макаронлари «Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси ҳар куни ўзининг дўконлари орқали ўттиз тоннага яқин макарон маҳсулотларини савдога чиқармоқда.***

Авваллари қўшма корхонанинг шундай савдо нуқталари фақат Андижолн вилоятида мавжуд эди. Эндиликда бу маҳсулотларни Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ҳам учратиш мумкин. Шу каби дўконларни Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам очиш мўлжалланмоқда.

– Маҳсулотларни 450 ва 900 грамли ҳамда беш-ўн килограмли идишларга жойлаб чиқариш йўлга қўйилган, - деди қўшма корхона бош директори Жаҳонгир Каримов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Маҳсулотларни тўғридан-тўғри дўконларга юбораяпмиз.

### РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ

«ALBA PEN» Ўзбекистон -Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонасининг иш бошлаганига бир йил бўлди.

Ўз йўналиши бўйича нафақат мамлакатимиз, балки МДҲда ягона «ALBA PEN»да ҳар ойда бир миллион донагача тўрт хил рангдаги шарикли ручка, шунча стержин ишлаб чиқарилмоқда.

- Илгари хомашёни фақат четдан келтирардик, - дейди қўшма корхона бош директори Маъмур Тошпўлатов. - Бу йилдан полиэтилен хомашёсини Қашқадарёдаги «Шўртан газ-кимё» мажмуидан ола бошладик.

«ALBA PEN» қўшма корхонаси Италиянинг машҳур «ALBA» компанияси лицензиясига эга. Хориж технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош ёзув қуролларига талаб тобора ортмоқда.

### ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Навоий вилоятининг Конимех туманидаги «Сарибел» наслчилик ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 5- ва 41-мактабларда беш юз нафардан ортиқ бола таълим олади. Бундан олтмиш йил муқаддам қурилган бу мактаблар биноси анча хароб аҳволда эди.

- 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ бу икки мактаб реконструкцияси учун эллик миллион сўм маблағ ажратдик, - дейди ширкат хўжалиги раиси Ўрмонбой Кўкинов. - Мактаб ўқув йилига тайёр.

Шунингдек, уч ярим минг аҳолига хизмат кўрсатадиган янги кутубхона ва болалар боғчаси ҳам қуриб битказилди. Ширкат хўжалиги маблағи ҳисобидан бунёд этилган мазкур иншоотлар мустақиллик байрами арафасида иш бошлайди.



# ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

*Республикамиз аҳолисини ҳамда соҳа ходимларини яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрам - Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги билан муборакбод этади*



# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

**Азиз юртдошларимизни истиқлолимизнинг 13 йиллиги ила самимий қутлайди. Ўта муҳим ва масъулиятли ишингизда муваффақият ёр бўлсин!**

